ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Шерзод Иброим ўғли Иброимов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети услубчиси

Махмуджон Жалолитдинович Болтаев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети ўқув ишлар бўйича декан муовини

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятларига тўхталиб ўтилган. Тоғ-водий ҳудудлардан кенг фойдаланиш мақсадида айрим релъеф турлари келтирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар қаторида экотуристик саҳани ривожлантириш ҳам долзарблигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: иқлимий ресурслар, геоморфологик ресурслар,танги, органик ресурслар,гидрологик ресурслар.

ECOTURISTIC POSSIBILITIES OF THE MOUNTAIN VALLEIES OF UZBEKISTAN AND THEIR USE

Sherzod Ibroim ugli Ibroimov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region
Methodologist of the Faculty of Natural Sciences

Makhmudjon Jalolitdinovich Boltayev
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region
Deputy Dean for Academic Affairs of the Faculty of Natural Sciences

ABSTRACT

This article focuses on the ecotourism potential of the mountain valleys of Uzbekistan. Some types of relief are given for the purpose of wide use of mountain-valley territories. Among the activities carried out in our country, we can see the need to develop the ecotourism sector.

Keywords: climate resources, geomorphological resources, tangi, organic resources, hydrological resources.

КИРИШ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўзларидаги мавжуд табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида туризмга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар ушбу соҳани ривожланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Жумладан, 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармоннинг имзоланиши бу соҳадаги янги қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида **"…мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин"** лигини алоҳида қайд этиб, **"…биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур"** эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар .

Шу боисдан Ўзбекистоннинг турли минтақаларида туризмнинг қатор турларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлари олиб бориш ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё мамлакатларида экотуристик объект ҳамда ресурс сифатида гўзал дарё водийлари, даралар, ҳурвиқор тоғлар, кўл соҳиллари, шаршаралар, чўллардаги қум барханлари хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳам қатор экотуристик имкониятларга эгалиги барчага маълум. Мамлакатнинг шарқий ва жанубий қисмларини баланд тоғлар ва тоғ оралиқ ботиқлари эгаллаган бўлиб, улар Ўзбекистон майдонининг 21,3 % ини ташкил этади. Ушбу тоғлардан Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги ўнлаб дарё ва юзлаб сойлар бошланади. Дарё ва сойларнинг аксарияти юқори оқимида чуқур ва тор водийлардан оқиб ўрта оқимида бироз кенгаяди. Айрим жойларда баланд шаршаралар, баъзи жойларда эса тор даралар ҳосил қилади. Тоғлар ва улардан бошланган дарёлар водийси мавсумлараро ҳам турли қиёфага киради. Жумладан, тоғ водийлари баҳорда эфемер ва эфемероидлар билан қопланиб ўзгача қиёфага кирса, ёзда ўзининг салқин ва баҳаволиги билан сайёҳлар эътиборини тортади. Кузда дов-дарахтлар барг ташлаб, мевали дарахтлар ҳосил беради. Қиш фасли эса тоғлардаги қор ва музликлар майдони кенгайиб ҳурвиқорлик касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

И.П.Герасимов (1937) Ўрта Осиё тоғли ўлкасини 4 қисмга – баланд тоғ, ўрта тоғ, паст тоғ ва дарё водийларига ажратади. Баланд тоғ минтақаси мутлоқ баландлиги 2000 м дан юқори бўлган тоғ дарёларининг катта қияликдаги сувайирғич қисми ва унга туташ платоларидан иборат (Аманбаева З.А., 2015).

И.А.Хасанов ва П.Н.Ғуломовлар (2006) Ўзбекистон тоғли қисми рельефининг асосий хусусияти сифатида тоғ тизмаларининг тоғ оралиқ ботиқлари билан ғарбга очиқ ва шу томонга баландлиги пасайиб борадиган тоғ олди текисликларининг ёнма-ён жойлашганлигини эътироф этишиб, тоғли ҳудудлар орографик тузилишини 2 га: 1) тоғ системалари ва 2) тоғ оралиғи ва тоғ олди ботиқларига ажратишади.

Ўзбекистон тоғ олди ва тоғлари таснифида гипсометрик поғонаси юқоридан пастга томон гляциал-нивал, тоғ-тундра, тоғ-ўрмон, тоғ-ўтлоқ, тоғ-ўрмон-дашт, дашт, чала чўл ландшафт турлари ажратилади (Хасанов И.А., ва б., 2010). Ушбу ландшафтлар Ўзбекистоннинг турли тоғларида турлича баландликда мавжуд. Масалан, глятциал-нивал ландшафтлар Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмаларида 3200 метрдан баландда жойлашган бўлса, Ҳисор тизмасида ушбу ландшафт тури 3500 метрдан баландда вужудга келган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристик салоҳиятлари анча кенг бўлиб, бундай салоҳиятни қуйидаги экотуристик ресурслар белгилаб беради:

- **иқлимий ресурслар.** Тоғлар табиати инсонларга доим хуш ёқиб келган. Улар мусаффолиги билан даволанишда ҳам ёрдам беради. Тоғлар ёзда об-ҳавонинг салқинлиги, куз ва баҳорда ўзига хос мўтадиллиги билан характерланади;
- **геоморфологик ресурслар.** Ўзбекистон тоғлари геоморфологик экотуристик ресурсларга – даралар (танги), ғорлар, қоялар, карлингларга анча бойлиги билан тавсифланади. Улар ўзларининг нафақат гўзал табиати билан, балки тарих сир-асрорларини ўз бағрида сақлаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Тоғли ҳудудларда мафтункор табиат мўжизалари шаклланган бўлиб, табиат ҳосил қилган ана шундай мўжизаларга рельеф формаларидан бири – тангилар яққол мисол бўлади. **Танги** – дарёларнинг тоғли ҳудуддан оқиб ўтувчи қисмида, қаттиқ туб жинсларни дарё ювиши натижасида ҳосил бўладиган тор ва чуқур, тик ён бағирли водийга айтилади. Унинг ён деворлари узоқ муддатгача тик ҳолатда

бўлади. Водий энига секин ўсади ва одатда, чуқурлиги энидан ортиб боради. Тангилар баъзан ер юзаси ёрилганда тектоник йўл билан ҳам вужудга келади;

- **органик ресурслар.** Ўзбекистон тоғ водийлари органик ресурсларнинг (айниқса ўсимликларнинг) мавсумий алмашиниши билан хусусиятлидир. Масалан, баҳорда тоғ, тоғ олди, водий ёнбағирлари эфемерлар билан ёппасига қопланиб ўзгача тароват касб этса, кузда тоғ-водий қиёфаси дов-дарахтнинг барг ташлаши билан ўзгаради. Яна шунингдек, баҳорда қушлар, турли сут эмизувчилар ҳаракати фаоллашса, қишда тоғларнинг 2200 метрдан баланд қисмларида ёввойи табиатнинг эталонлари – қор барси, силовсин, кабиларни учратиш мумкин;

- **гидрологик ресурслар.** Дарёлар, сойлар, шаршаралар (Сангардак, Ҳўкизбурун), тоғ кўллари, юзлаб булоқлар (уларнинг аксарияти шифобахшлиги билан ҳам аҳамиятли), музликлар (Ботирбой, Северцов) тоғ-водий ландшафти билан уйғунлашиб гўзал манзара ҳосил қилган.

МУҲОКАМА

Юқорида кўрсатилган экотуристик ресурслар тоғ ландшафтларининг экотуристик салоҳиятини нақадар юқори эканлигини белгилайди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ўсишида муҳим рол ўйнайди.

А.Низомов ва бошқалар (2014) “Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари” номли монографиясида тоғ ва баланд тоғ минтақаси бўйлаб 30 та йўналишдаги асосий нуқталарни кўрсатишган. Ўзбекистондаги кўплаб тоғ дарёлари водийларида ана шундай экотуристик йўналишлар ажратса бўлади. Бундайлар қаторига Кўксув, Писком, Угом, Оқсув, Тўполон, Сангзор, Катта Ўрадарё, Шоҳимардон, Сўх, Ғовасой водийларини қўшиш ўринлидир.

ХУЛОСА

Геомажмуаларнинг экотуристик имкониятларини белгилаб берувчи омилларнинг экотуристик имкониятларини юзага келтирадиган мавқеига қараб иккига – кучли ва кучсизга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари кириб, улар экотуристик имкониятларнинг юзага келишида етакчи ҳисобланади. Кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қопламини ҳамда ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин (Шамуратова Н.Т., 2011).

Ўзбекистон тоғ водийларида кучли омилларнинг етакчилиги ва кучсиз омилларнинг ҳам текисликка нисбатан устуворлиги экотуризмни ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади. Тоғ водийлари ландшафтларидан экотуристик ресурс сифатида фойдаланиб, ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш орқали минтақалар иқтисодиётини ҳамда тоғлик халқлар яшаш шароитининг яхшиланишига эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1.] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Маърифат, 2017 йил 23 декабрь.
[2.] Аллаёров Р.Х., Бўрибеков М.Ф., Хидиров М.Ш., Рахмонқулов А.Н. Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристик имкониятлари // География ва география таълимидаги муаммолар. Республика конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2018. Б. 75-77.
[3.] Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Бўрибеков М.Ф. Тангилар экотуристик объект ва ресурс сифатида // Олий таълим тизимида табиий фанлар: илмий тадқиқот, ўқитиш ва малака ошириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. Фарғона, 2018. Б. 162-164.
[4.] Аманбаева З.А. Тоғли ҳудудлар-геоэкологик тадқиқотлар марказида // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДПУ, 2015. Б. 34-35.
[5.] Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2014. 104 б.
[6.] Қаракұлов Н.М., Аллаёров Р.Х. Өзбекстанның тау геожүйелеріндегі экотуристік мүмкіндіктер // Геосистемный подход к изучению природной среды Республики Казахстан. Материялы Международную научно-практическую конференции. Том II. Астана, 13-14 апреля 2018. с. 250-252.
[7.] Хасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2006.
[8.] Хасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). – Т., 2010.
[9.] Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақ. эт. дисс. авт. –Т.,2011. 27 б.

REFERENCES

[1.] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Маърифат, 2017 йил 23 декабрь.

[2.] Аллаёров Р.Х., Бўрибеков М.Ф., Хидиров М.Ш., Рахмонқулов А.Н. Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристик имкониятлари // География ва география таълимидаги муаммолар. Республика конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2018. Б. 75-77.
[3.] Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Бўрибеков М.Ф. Тангилар экотуристик объект ва ресурс сифатида // Олий таълим тизимида табиий фанлар: илмий тадқиқот, ўқитиш ва малака ошириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. Фарғона, 2018. Б. 162-164.
[4.] Аманбаева З.А. Тоғли ҳудудлар-геоэкологик тадқиқотлар марказида // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДПУ, 2015. Б. 34-35.
[5.] Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2014. 104 б.
[6.] Қаракұлов Н.М., Аллаёров Р.Х. Өзбекстанның тау геожүйелеріндегі экотуристік мүмкіндіктер // Геосистемный подход к изучению природной среды Республики Казахстан. Матерялы Международную научно-практическую конференции. Том II. Астана, 13-14 апреля 2018. с. 250-252.
[7.] Хасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2006.
[8.] Хасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). – Т., 2010.
[9.] Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақ. эт. дисс. авт. –Т.,2011. 27 б.